

DEVELOPMENT OF THINKING OF FUTURE TEACHERS ON THE BASIS OF A CREATIVE APPROACH

Karimova Gulshod Shavkatovna

Bukhara regional national center for training teachers
according to the new methodology

Annotation. This article talks about the mechanism for implementing the environment of innovation and promising organization technology, the use of modern information and communication technologies, the successful course of the innovation process, the organization of teachers' activities based on a creative approach in the context of modernizing the process of developing the thinking of future teachers.

Keywords. Creative, modernizing, innovative, thinking, mechanism, technology, value.

Мамлакатимизда таълим тизимиға давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда ҳамда таълим тизимиғи ривожлантириш давлат сиёсатида устувор масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Сўнгги беш йиллик ислоҳотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий –хуқуқий, ижтимоий –иктисодий ва илмий-маърифий асослари яратилмоқда. Бунинг исботини 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида таълим сифатини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони мисолида кўришимиз мумкин.

Талабаларга берилаётган билим ва қадриятлар унинг келгусидаги ҳаётини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олган ҳолда, ўтган даврда Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ривожлантириш ва унинг самарали фаолият қўрсатишига қаратилган қатор меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда комплекс чоратадибрлар амалга оширилмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам, олий таълим муассасаларининг меъёрий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш, ўқув-услубий таъминотини янада мукаммаллаштириш, таълим менежменти ва назоратини замонавий инновацион усул ва шакллари асосида бойитиб бориш, турли таълим технологияларини манзилли қўллаш асосида таълим-тарбия сифатини тубдан ўзгартириш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш, ижросини таъминлашда ўқув билув фаолиятининг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларининг уйғунлиги асосида:

- креатив ёндашув асосида ўқитувчиларнинг методик ва қасбий компетентлигини ривожлантириш;

- янги ижтимоий талабларга мос тарзда таълим воситаларни ишлаб чиқиши, жорий этиш ва қўллаш тизими ўқув жараёнини педагогик мазмунни, самарали шакл ва методларини тўғри танлашга бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Креатив ёндашув асосида бўлажак тарбиячиларнинг тафаккурини ривожлантиришнинг педагогик мазмуни ўқув услубий адабиётлар ва қўлланмалар, дарсликлар, намунавий ва ишчи дастурларда ўз аксини топган

бўлиб, таълими жараёнда замонавийликни таъминлаш яъни ўқув билув фаолиятларида илмий асосланган ва тажрибада синалган таълими жараёнларга оид янгиликлар, фаол методлар ва шакллар, тартиб қоидаларни жорий этишнинг мажбурийлигига, шунингдек таълимнинг тараққиёт даражаси, унинг мазмунига киритилаётган фан-техника ютуқлари билан тавсифланади.

Биз мазкур тадқиқот иши доирасида креатив ёндашув асосида бўлажак тарбиячиларнинг нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантиришнинг педагогик мазмунини белгилаб беришда юқоридаги компонентлар билан бир қаторда:

– модули-тармоқли технология; таълимий жараённи моделлаштириш алоҳида қисм (модул)лари, хусусий, тармоқли, дидактика, методик ёки тарбиявий вазифаларни хал этувчи фаолиятни ифодалайди (масалан: субъект ва объектнинг алоҳида фаолият турлари, фаолият турларини ўрганиш, тадбир, талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини, ўзлаштириш даражаларини назорат қилиш технологиялари)дан фойдаланиш;

– тафаккурни ривожлантириш жараёни интеллектуал билиш психологияси билан уйғунлигини таъминлашга эришиш яъни талабаларнинг фикрлашлари, билиш психик жараёнларининг терапии, билим, ўқув ва кўникмаларни шакллантириш жараёни;

– ўқув фаолиятида талабаларнинг ички, ташқи позитив мотивацияларини ривожлантириш;

–таълимий жараёнда эмоционал соҳани ривожлантириш;

–таълимий жараёнларда инновацион технологияларнинг самарали усул ва воситаларини қўллаш орқали талабаларнинг ўзлаштиришлари лозим бўлган материалларни идрок этиш, билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш учун кўникма ва малакалар ҳосил қилиш муҳим аҳамият эга.

Олий таълим самарадорлигини ошириш мақсадида, нафақат тадбирлар (байрам эрталиклари)да балки ўқув жараёнига ота-оналарни ҳамкорлик асосида жалб қилиш ишларига алоҳида эътибор бериш муҳим педагогик аҳамият касб этади. Талабалар учун ота-она биринчи устоз, улар ўз фарзандларининг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш муҳим эканлигини ҳис этган ҳолда, таълим-тарбия жараёнига бевосита иштирок этишлари ўқитишнинг интерактив методлари бўйича таълим мазмуни юзасидан ўзларининг билим, малака ва кўникмаларни мунтазам равишда янгилаб бориш имкониятига эга бўладилар. Оила тарбиясидаги болалар хаётини тўғри уюштириш, уларни вақтидан тўғри ва унумли фойдаланишнинг асосий гарови еканлигини ота-оналар ўз фарзандларига уқтиришлари лозим. Оила тарбияси масалалари бўйича Абу Али Ибн Сино маҳсус «Тадбир ал-манозил» номли асарини ёзган. Унда олим ота-онанинг болаларни тарбиялашдаги вазифаларини ёритган.

Асарда оиласда ота-онанинг вазифаси, бурчига ва оила муносабатларига тўхталар екан, айниқса ота-оналарнинг оиласда меҳнатеварлиги билан фарзандларини ҳам касб ва хунарга ўргатиш борасида муҳим фикрлар баён этади. Ибн Сино тарбиявий қарашларида оила ва оиласвий масалаларига кенг ўрин берилган.

Ота оиласда ўз фарзандларига ҳар томонлама юриш-туришда, нутқ одобида, сўз маданиятида, ўзаро муомала жараёнида энг муҳими амалий иш фаолиятида тўғрилик ва ҳаққонийлик, самимийликка намуна бўлмоғи керак. Оиласда фарзанд тарбиясининг тўғри йўлга қўйишнинг асосий воситаси унинг маънавий оламида эътиқодни шакллантириш, деб хисоблаган эди олим.

Кайковус «Қобуснома» пандномасида ўз фарзандинг сенинг ҳақингда қандай бўлишини тиласанг, сен ҳам ота-онанг ҳақида шундай бўлгил, нединким сен ота-онанг ҳақида не иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенинг ҳақингда шундоқ иш қилур, чунки фарзанд мевага, ота-она мевали дарахтга ўхшайдир» деб ёшларни ота-онасини ҳурмат қилишга эъзозлашга, меҳр-ошибатли бўлишга даъват этади. Ота-она ўз фарзанди учун ҳатто ўлимга ҳам тайёрлигини таъкидлайди. Ҳар бир фарзанд оқил ва доно бўлса, ота-она меҳр-муҳаббатини адо этмақдин бош тортмайди.

Таълим-тарбия – ота-оналар ва мураббийлардан катта сабр, меҳр ва бола тарбиясига илмий асосланган ягона ёндашувни талаб қиласди. Фикримизча, олий таълим муассасалари талабалари тафаккурини ривожлантириш тизимини такомиллаштиришда таълим мазмунига мос, шунингдек, таълим жараёнининг бошланғич босқичида талаб

этилган замонавий дунёқараашга эга бўлган рақобатбардош кадрларни иш билан таъминлаш мухим деб ҳисоблаймиз.

Бу эса, ўқитувчиларнинг креативлик потенциалини, компетентлигини такомиллаштириш жараёнларида ҳар бир педагог белгиланган таълимий мақсадига эришиш бўйича ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро фаолиятини тартибли ташкил этиш йўлини танлайди деган илмий холосага келишимизга сабаб бўлади. Масалан, анъанавий методлар (унинг асосида фалсафий ва педагогик тизимлар ташкил этади), кўргазмали методлар, акс эттирувчи методлар, китоб билан ишлаш методи, видео методлар.

Бўлажак тарбиячиларнинг тафаккурини ривожлантириш жараёнини модернизациялаш шароитида инновацион фаолият мухитини амалга ошириш механизми ва ташкил этишнинг истиқболли технологияси, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, инновацион жараённинг муваффақиятли бориши ўқитувчиларнинг фаолиятларни креатив ёндашув асосида ташкил этишга бевосита боғлик. Биламизки, таълим-тарбия тизимидағи ҳар қандай янгилик ғоя, фикр, инновация бўла олмайди. Бунинг учун ислоҳот фаолиятининг аниқ шакли, мазмуни ва қўлами асос с бўлиб хизмат қиласиди. Бўлажак тарбиячиларнинг тафаккурини ривожлантириш технологияси бевосита инновация асосида амалга оширилади, яъни шакл, восита ҳамда методлар янгиланади, тизимли ва давомли бўлади, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилаиди. Бунда фаолиятнинг йўналишлари очилади, замонавий технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат самараларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

Шу ўринда бўлажак тарбиячиларнинг тафаккурини ривожлантиришнинг мухим кўрсаткичларидан бири сифатида ўқитувчининг талабаларга тўғри мотивация бера олиши ҳам бевосита таълим жараёнига ижобий таъсир кўрсатишими эътироф этиб ўтиш лозим. Мотивация уйғотиш талабанинг ривожланиши ва ижтимоий мослашиши учун қулай мухит яратиш билан бир қаторда талабанинг ижодий қобилиятларини қўллаб-куватлаш, таълим жараёнида барча турдаги ривожланиш соҳаларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлади.

Педагогик нуқтаи назардан ёндашсак мотивация - бу ўқитувчининг ўз касбига бўлган қизиқувчанлиги ҳисобланади. Ўз касбини севмаган, ўз касбига қизиқмаган ўқитувчи идеал даражада креатив фаолият билан шуғулланади деб айтиш қийин. Илмда мотивациянинг қўйидаги шакллари аниқланган:

- ташки мотивация – ижтимоий таъсирларнинг натижасида шахснинг муайян фаолиятни амалга оширишга бўлган иштиёқи. Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимининг барча турларида, олий таълим тизимида ҳам таълим-тарбия ишлари инновацион янгиликлар билан бойиб, педагогик технологиялар ҳамда дидактик тизимларнинг турли шаклларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида ҳар бир педагогдан ўзининг касбий фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва ташкил этишни, яъни педагогик фаолиятнинг креатив характерга эга бўлишини талаб этмоқда;

-ички мотивация – ўқитувчиларнинг фаолият юритишини таъминлашга қаратилган ўзининг ҳохиши, эҳтиёjlари ва манфаатларидир. Янги дидактик талабларга жавоб берадиган, педагог касбининг мазмунини чукур тушунадиган, индивидуал ва касбий сифатларини ривожлантириб бориши билан бир қатарда педагогларнинг ўз касбини самарали ташкил этишга қаратилган позитив мотивацион тайёрлиги катта аҳамиятга эга. - педагогик фаолиятнинг мотивлар структурасида ички мотивга эга бўлиш;

- натижага эришишга бўлган мотивация;

- ўқитувчининг ўз-ўзини ривожлантиришга йўналтирилган мотивация

Мазкур мотивация асосида олий таълим муассасалари ўқитувчиси Давлат талабларида белгиланган мақсад ва вазифаларни мобиллиги ва истиқболлигини таъминлайди.

Креатив ёндашув асосида бўлажак тарбиячиларнинг тафаккурини ривожлантиришда инновацион таълим жараёни билан олимларнинг креатив компетентликни ривожлантиришга қаратилган фикрлари бизга етакчи методологик манба бўлиб хизмат қиласди.

Айтиш жоизки, бола таълими ва ривожланишида инновацион технологияларни ташкил этувчи асосий структура, унинг компонентлари билан педагогик технологияга кўйиладиган талаблар ҳам бугунги кунда кенгайиб бормоқда. Кузатиш ва таҳдилларимиз асосида айтишимиз мумкинки, олий таълимнинг асосий вазифаси талабаларни онгли, фоал ва мустақил тарзда таълим олишга, юқори касбий билимларни эгаллашга тайёрлашдан иборатдир. Талабалар олий таълимда аниқ билимларни ўрганиш билан биргаликда келажакда тарбиячи сифатида фикрлаш кўнникмасини эгаллаши, тенгдошлари ва катталарнинг нутқини тушуниши, улар билан эркин фикр алмашиши, ҳамкорлик асосида фаолият қўрсатиши талаб этилади. Талабаларнинг мантикий фикрлаши, тасаввурларини нутқ орқали тўғри ифодалаши, ўзини назорат қилиши, бошқариши, кузатиш, эшитиш, эслаб қолиш, умумлаштириш, солиштириш каби тафаккур операцияларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифани бажаришда, албатта, нутқ ўстириш фаолиятларининг аҳамияти каттадир. Қўйидаги биз талабаларнинг иш фаолиятларда креатив ёндашув асосида тарбияланувчилар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш вазифаларини қўйидаги қўринишда тасвирлаш мумкин деган холосага келдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрь “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3955-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллый базаси, 2018.
2. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида.
3. Рахмонова Г. Ш. и др. АХЛОҚ-ШАҲС ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЮҚОРИ МАҶНАВИЙ ПОЙДЕВОРИ //BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 160-165.
4. Рахмонова Г. Ш. и др. ТАЛАБА-ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА МАҶНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ //BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 108-113.
5. Rakhmonova G. S. The Content of the Development of Spiritual and Moral Competencies of Students //EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 179-183.
6. Рахмонова Г. Ш., Жалилов З. Б. РАЗВИТИЕ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННЫХ СПОСОБНОСТЕЙ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ //Academy. – 2020. – №. 12 (63). – С. 62-64.

7. Рахмонова Г. Ш., Насруллаева М. Н. К. Методика проведения занятий по развитию речи в дошкольных образовательных учреждениях //Academy. – 2019. – №. 12 (51). – С. 93-94.
8. Рахмонова Г. Ш. СОДЕРЖАНИЕ РАЗВИТИЯ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ У СТУДЕНТОВ //Проблемы педагогики. – 2022. – №. 1 (59). – С. 14-16.
9. Рахмонова Г. ТАЛАБАЛАРДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛарни Ривожлантириш //Материалы конференций МЦНД. – 2021.
10. Shavkatovna R. G. Methods of formation of spiritual and moral competencies in the education of future teachers //Academicia: an international multidisciplinary research journal. – 2021. – Т. 11. – №. 2. – С. 976-980.
11. Shavkatovna R. G. Formation of Spiritual and Moral Attitudes of the Student's Personality //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 10.
12. Рахмонова Г. Ш., Тошхонова З., Тохирова М. ТАЛАБАЛАРДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛарни ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 7. – С. 1032-1037.
13. Rajabova, L. (2021). MAKTABGACHA TA'LIM TASHKIOTLARIDA "TEAM" TEXNOLOGIYASINI TADBIQ ETISH. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 7(7).
14. Temirovna, O. L., & Choriyevna, R. L. (2021). Mental Arithmetic is a Non-Traditional way to Teach Preschoolers Verbal Arithmetic. *International Journal of Culture and Modernity*, 11, 205-208.
15. Rajabova, L. (2021). MENTAL ARIFMETIKA-MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARGA OG'ZAKI SANASHGA O'RGATISHNING NOAN'ANAVIY USULI. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 3(3).
16. Rajabova, L. C., & Muxtorova, M. A. Q. (2021). MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA TABIATDA ODDIY TAJRIBALARNI O'TKAZISHGA O'RGATISH. *Scientific progress*, 2(7), 1218-1223.
17. Rajabova, L. C., & To'Xtayeva, M. N. (2021). MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASALARIDA TABIAT BURCHAGINI TASHKIL QILISHNING AHAMIYATI. *Scientific progress*, 2(7), 1224-1229.
18. Rajabova, L. (2020). Matematika mashg'ulotlarida didaktik o'yinlardan foydalanishning ahamiyati. центр научных публикаций (buxdu. Uz), 2(2).
19. Rajabova, L. (2020). MAKTABGACHA TA'LIMDA METODIKA FANLARINI O 'QITISH TEXNOLOGIYASINING ASOSIY TAMOYILLARI. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 1(1).
20. Ismoilovna, B. A. (2021). Problems of Training Future Primary School Teachers to Cooperate with The Family in Extracurricular Educational Activities. Middle European Scientific Bulletin, 8.
21. Bakhronova, A., & Sadirova, M. (2021). PROBLEMS OF TRAINING WITH THE FAMILY IN EXTRACURRICULAR EDUCATIONAL ACTIVITIES. In World science: problems and innovations

22. Baxronova, A. (2022). БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ДАРСДАН ТАШҚАРИ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛЛАРИ. Физико-технологического образования, 1(1).
23. Бахронова, А. И. (2021). БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ЎҚУВЧИЛАРНИ АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШГА ТАЙЁРЛАШДА ДАРСДАН ТАШҚАРИ ИШ ШАКЛЛАРИ. Scientific progress, 2(6), 1083-1089.
24. Husenova A. S. Training of Future Teachers of Primary Classes to Guide Project Activities of Students //World science: problems and innovations. – 2021. – C. 219-221.
25. Sharipovna, H. A. (2022, March). Boshlang'ich sinf ona tili darslarini integratsiyalashda o'qituvchi faoliyatini loyihalash. In Научно-практическая конференция.
26. Sharipovna H. A. Designing Teacher Activities in the Integration of Primary School Mother Tongue Lessons //Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 149-151.
27. Xusenova, A. S. (2021). Social psychological characteristics of teacher activity in integration of mother tongue and teaching lessons in primary schools. Current research journal of pedagogics, 2(12), 140-142.
28. Sharipovna H. A. Features of the Integrated Lesson //International Journal of Culture and Modernity. – 2021. – Т. 11. – С. 306-310.
29. Sharipovna, H. A. (2022). Boshlang 'ich sinflarda ona tili darslarining samaradorligini oshirish vositalari. Pedagogs jurnali, 1(1), 150-152.
30. Sharipovna, H. A. (2022). Ona tili va o 'qish darslarini integratsiyalashda o'qituvchi va o'quvchi faoliyati modellari. Pedagogs jurnali, 1(1), 148-150.